




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



CONCEPT OF ADMINISTRATIVE REFORM IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN: GOALS AND OBJECTIVES

Elyorbek A. Otajonov

supporting doctoral student

Institute for the Study of Youth Problems and Training of Prospective Personnel under the Youth Affairs Agency of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: elyor.otajonov303@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: New Uzbekistan, administrative reform, concept of administrative reform

Received: 14.07.24

Accepted: 16.07.24

Published: 18.07.24

Abstract: The article examines the administrative reform of the executive branch in the new Uzbekistan, aimed at improving the efficiency of its activities and the introduction of modern methods of public administration. The objectives and results of the reform were analyzed, as well as the circumstances related to the renewal of state organizational structures and management mechanisms. The concept, directions, goals and objectives of administrative reforms in the Republic of Uzbekistan and the expected results from them are also highlighted.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР КОНЦЕПЦИЯСИ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Элёрбек А. Отажонов

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишилари агентлиги хузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиши ва истиқболли кадрларни тайёrlаши институти

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: elyor.otajonov303@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўzlар: Янги Ўзбекистон, маъмурӣ ислоҳот, маъмурӣ ислоҳотлар концепцияси

Аннотация: Мақолада Янги Ўзбекистонда ижроия ҳокимиятининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва давлат бошқарувининг замонавий усулларини жорий етишга қаратилган маъмурӣ ислоҳоти мухокама қилинади. Ислоҳотнинг мақсадлари ва натижалари,

давлат ташкилий тузилмалари ва бошқарув механизмларининг янгиланиши билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси, йўналишлари, мақсад ва вазифалари ҳамда улардан кутилган натижалар ёритилган.

КОНЦЕПЦИЯ АДМИНИСТРАТИВНОЙ РЕФОРМЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ

Эльёрбек А. Отажонов

поддержка докторанта

Институт изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Агентстве по делам молодежи Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: elyor.otajonov303@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Новый Узбекистан, административная реформа, концепция административной реформы

Аннотация: В статье рассматривается административная реформа исполнительной власти в новом Узбекистане, направленная на повышение эффективности ее деятельности и внедрение современных методов государственного управления. Были проанализированы цели и результаты реформы, а также обстоятельства, связанные с обновлением государственных организационных структур и механизмов управления. Также освещаются концепция, направления, цели и задачи административных реформ в Республике Узбекистан и ожидаемые от них результаты.

КИРИШ

Маъмурий ислоҳот – давлат аппарати самарадорлигини такомиллаштириш, коррупцияга қарши кураш, ихчам хукуматни яратиш ва давлат бошқарувини такомиллаштиришга қаратилган чора тадбирлар комплексидир. Шунингдек, маъмурий ислоҳотлар давлатнинг ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали тизимини яратишга қаратилган ислоҳотлар мажмуи. Яна бир гуруҳ олимлар томонидан маъмурий ислоҳот куйидаги муҳим компонентларни ўз ичига олган жуда мураккаб жараён сифатида таърифланади:

- давлат идораларининг ваколатлари ва мажбуриятларини ўзгартериш, яъни. уларнинг функцияларини оптималлаштириш ва шунга мос равишда уларнинг таркибий ташкил этилиши;

- давлат хизматини ташкил этишни такомиллаштириш, шу жумладан унинг институционал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

- давлат хизматлари сифатини ошириш ва фуқароларнинг ҳукумат қарорларини қабул килиш жараёнларида иштирокини ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ислоҳотлар концепцияси, Ўзбекистон ривожланишининг Стратегияси ва Тараққиёт стратегиясида илгари сурилган ғоялар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади.

Шунингдек мақолани ёзишда илмий билишнинг қиёсий таҳлил, объективизм, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, хусусийлик ва умумийлик принциплари, контент анализ, кузатиш, ретроспектив таҳлил усусларидан фойдаланилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Маълумки, ҳозирги дунё глобал ўзгаришлар ниҳоятда тез рўй бераётган даврни ўз бошидан кечирмоқда. Ушбу жараёнда глобал барқарорликни таъминлаш вазифаларининг кўлами ҳам ниҳоятда ортмоқда. Демак, муаммони таҳлил қилишда, тегишли хulosалар ва тавсияларни ишлаб чиқишида масаланинг бу жиҳатига доимо эътибор бериш лозим бўлади. Ушбу ҳолатни назардан қочириш нафақат нотўғри илмий хulosаларнинг чиқарилишига, балки шундок ҳам мураккаб бўлиб турган ҳалқаро шароит амалиётидан сунъий узоклашишга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёдаги вазиятни ўрганиш ва баҳо беришда ўта тез суръатлар билан рўй бераётган ўзгаришлар хусусиятига қўпроқ эътибор бериш, шунингдек, глобал ва минтақавий муаммолар ўртасидаги ички боғлиқликлар ва турли минтақалардаги зиддиятларнинг бир-бирига ниҳоятда ўхшашлиги ҳолатига жиддий эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ушбу факторларни ҳисобга олмасдан туриб ҳозирги дунёнинг мураккаб манзарасини тасаввур қилиш ва илмий асослаш ниҳоятда мушкулдир. Шу нуқтаи назардан давлат бошқаруви ва маъмурий бошқарув соҳасида ислоҳотлар олиб бориш ҳамда уни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Давлат бошқарувида ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидаги сусткашлик, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишдаги муаммолар ҳамда худудларни ривожлантириш суръатларини пасайланлиги маъмурий ислоҳотлар заруратини келтириб чиқарди.

Бу борада О.Мухамеджанов Маъмурий ислоҳотлардан кўзланган мақсад Давлат органларининг барқарор ва самарали тизимини шакллантиришга олиб келиши кераклигини таъкидлайди. Мутахасис жамиятни ислоҳ қилиш жараёнларини чукур таҳлил қилиш

асосида ва давлат, шунингдек, давлатчилигимиз эволюциясининг 4 асосий босқичларини ажратиб кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларнинг 4-босқичи 2017 йилдан бошланиб, сентябр ойида президент фармони билан давлат бошқаруви тизими ва маҳаллий давлат ҳокимияти самарадорлигини ошириш консепсияси тасдиқланиши билан бошланди. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган маъмурий ислоҳотлар дастурини ишлаб чиқиши мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси фаолияти йўлга кўйилди. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси “Йўл харитаси” асосида 100 дан зиёд давлат органлари ва хўжалик бошқарувидаги ташкилотлар фаолияти қайта кўриб чиқилади.

2017 йил қабул қилинган Маъмурий ислоҳотлар концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу вазифани амалга ошириш жараёнда қуйидаги йўналишларда олиб борилади.

Биринчи йўналиш ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш - бунда ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш, давлат хизматлари ва "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ошириш ҳамда давлат хизматларини тартибга солиш, уларни ягона реестрга киритиш каби вазифалар белгилаб олинган. Мазкур йўналиш доирасида «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, “Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги президент фармонлари қабул қилинди.

Маъмурий ислоҳотлар концепциясини иккинчи устувор йўналиши Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизmlари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган. Бу йўналиш асосида ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифаларини белгилаш, ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини - сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсингларни жорий этиш, жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шаклларини (виртуал қабулхоналар, «ишонч телефонлари») кенг жорий этиш вазифалари юклатилган. 2017 йилнинг ўзида виртуал қабулхоналарга жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматлари кўрсатиш

бўйича 1.4 млндан ортиқ мурожаатлари қабул қилинган. **254 та** Давлат хизматидан my.gov.uz портали орқали фойдаланиш имконияти яратилди..

Учинчи устувор йўналиш, Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтиришга йўналтирилган бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда соғлом рақобат мухитини ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал қилиш учун ижтимоий ва давлат-хусусий шериклик; муайян давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш кўзда тутилган.

Тўртинчى йўналиш Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган бўлиб, унда давлат бошқарувини босқичма-босқич марказлизлаштириш; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг роли ва масъулиятини ошириш; маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш худудий органларнинг раҳбар кадрларини танлаш ва жойлаштириш мақсад қилинган. Ушбу вазифалар ижроси доирасида 2021 йил 3 апрель куни «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2021 йил 1 майга қадар, **52 та** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ҳамда уларнинг идоравий ва худудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг сонини **15% гача** мақбуллаштириш, **26 та** вазирлик ва идоранинг мавжуд **106та** раҳбар ўринbosари лавозимини **40 тага** қисқартириш ҳамда устав фонди (капитали)да давлат улуши **50%** ва ундан ортиқ микдорда бўлган хўжалик жамиятлари акциядорлар умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камидан нафардан ўринbosари лавозимларини қисқартириш, шунингдек, бошқарув ходимлари сонини **10%** микдорида мақбуллаштириш белгиланди.

Бешинчи йўналиш Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион гоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга қаратилган. Бу йўналишда давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этишнорматив-хуқуқий базани шакллантириш вазифаси белгиланган.

Маъмурий ислоҳотлар концепциясини иккинчи устувор йўналиши Профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш мақсад қилинган. Уни амалга оширишда давлат хизматининг шаффоғлиги ва очиқлигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқот ўрнатишнинг янги механизмларини жорий етиш; -

давлат хизматчиларининг маҳсулдорлигини ошириш уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотнинг замонавий тизимини жорий этиш кўзда титилмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса килиб айтганда, Бугунги кунда юртимизда барча давлат органларида маъмурий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат органларида маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишдир. Шунингдек, давлат маъмурий бошқарувининг оптималлашиши орқали бошқарувнинг мобиллиги ва самарадорлиги ошади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида <https://lex.uz/docs/3331174>

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. <https://lex.uz/docs/3107036>

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

4. Мирзиёев Ш. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» 1-жилд. «Ўзбекистон» 2019. 592 б.

5. Мирзиёев.Ш.«Буюк келажакни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. ». «Ўзбекистон» 2017. 488 б.

6. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон давлат барпо этамиз. «Ўзбекистон» 2016. 56 б.

7. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш. «Ўзбекистон» 2017. 48 б.

8. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. . «Ўзбекистон» 2017. 104 б.